

Ризқимиз Сенинг зиммангда



08:00 / 27.01.2019 3513

Асмаъий айтади: «Калб қабиласига бордим. У ерда бир неча йиллардан бери қурғоқчилик ҳукм сурар, чорва ҳайвонлари қирилиб кетган, осмондан бир томчи ҳам ёмғир ёғмай, экин ўсмай қўйган эди.

Осмонга қараб турсам, қибла томондан қалин қора булут кўтарилиб, ернинг устини қоплаб олар, маҳалла аҳолиси тепаликларга чиқиб, суюнганидан бор овози билан такбир айтиб бақирар, аммо Аллоҳ таоло булутни бошқа томонга буриб юборарди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Шунда уларнинг ичидан бир кампир бир баландроқ жойга чиқиб, бор овози билан: «Эй Аршнинг Эгаси, хоҳлаганингни қил. Ризқимиз Сенинг зиммангда!» деб нидо қилди. Кампир ўша тепаликдан тушмасидан осмонни қалин булут қоплаб, жала қуйиб юборди. Ёмғир шундай кўп ёғдики, одамлар сувга фарқ бўлишига сал қолди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан